

Қоҳин Гаумата



Гаумата сохта Бардия — хиндистонлик маг (кохин), милoddан аввалги 522 йилнинг 11 март куни Персия подшохи, Кирнинг ўгли Камбисга карши давлат тўнтариши уюштирган. Ахомонийлар давлати тахтига бўлган ҳақ-ҳукукини асослаш учун у ўзини Кирнинг кенжа ўгли Бардия (Смердис) сифатида кўрсатди, яъни, ўз акаси томонидан яширинча ўлдирилган шахс. Камбис армияси билан Мисрда бўлганидан фойдаланиб, Гаумата Ахомонийлар давлатининг катта қисмига ҳоким бўлди. Камбис Гауматага карши кўшин тўплаб юришга отланди, аммо йўлда ҳалок бўлди (ўз жонига қасд қилган бўлиши мумкин). Гаумата тахтга ўтирди ва персияликлар томонидан забт этилган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланишга эришиш мақсадида уларни уч йилга солиқ ва мажбуриятлардан озод қилди. 522 йил 29 сентябрда зодагонлар унга карши ташкил қилган фитна натижасида, унинг бошида турган Дарий I томонидан йўқ қилинди. Дарий — Ахомонийлар сулоласининг ёш авлоди вакили эди.

Гауматанинг ижтимоий сиёсати масаласи кўп баҳсларга сабаб бўлди. Айрим буржуа тарихчилар, масалан, немис олимлари Э. Херцфельд ва Ф. В. Кёниг, Гауматанинг ҳаракати крепостнойларнинг феодал зодагонларга карши ҳаракати сифатида баҳолашади. Совет илм-фанида бир катор турли нуктаи назарлар илгари сурилган. Академик В. В. Струве ва В. О. Тюриннинг фикрича, Бехистун ёзувидаги маълумотларга кўра, Гаумата "қара" ("халк-армия")дан қарвахона ва мулкларини мусодара қилган ва шу орқали у зодагонлар манфаатини кўзлаган. И. Алиев эса, аксинча, "қара" сўзини персиялик зодагонлар сифатида талқин қилади ва, унинг фикрига кўра, Гаумата кенг халқ ҳаракатига бошчилик қилган. И. М. Дьяконов Гаумата амалга оширган мусодаралар фақат персиялик зодагонларнинг бир қисмининг манфаатларига таъсир қилган, деб ҳисоблайди.

Гауматанинг диний сиёсати ҳам турлича талкин килинган. Айримлар уни зардуштийликни қўллаб-қувватлаган деб ҳисоблашади (француз олим Ж. Дармстетер, совет олимлари И. М. Дьяконов ва И. Алиев), бошқалар эса уни Зардушт таълимотига қарши чиққан деб билишади (Э. Херцфельд, В. В. Струве).

Абу Муслим тайёрлади